ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИҒИ ШАРАФИГА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 169 (3651). | Якшанба, 27 август 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БУГУН — ШАХТЁРЛАР КУНИ





«Узбекуголь» комбинатининг 9-шахта кончилари Шахтёрлар куниди қувончли зафар билан кутиб олдилар. Улар пландан ташқари эшелон-эшелон кўмир қазиб чиқариб, 21 минг сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолдилар. Суратларда: (юқорида) пешқадам слесарь, монтажчилар бригадасининг бошлиғи Ўрмон Раҳимов, пастдаги суратда эса Қурама тизма тоғи ичидан ўтказилаётган уч ярим километрлик тоннелнинг чиқиш йўли.

В. Лейзерович фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КОНЧИЛАР — ЮБИЛЕЙГА

Бугун Иттифоқимиз кон саноати корхоналари коллективлари қатори Ўзбекистон кончиларимиз шу кунга қадар кўриб қувонса арзийдиган ишларни амалга оширдилар. Кончилар куни байрамигача шахталардан планга қўшимча равишда минглаб тонна «қора олтин» қазиб олиниди. Биргина кўмир разрези коллективи барча имкониятларни ишга солиб истеъмолчиларга 30 минг тонна қўшимча ёқилғи етказиб берди.

Кўмир разрезида илғор коллективлар оз эмас. Ёш кон инженери Юрий Антипин бошчилик қилаётган 5-участка коллективи йил бошидан бери социалистик мусобақанинг олдинги сафида келмоқда. Участка аҳли қўлни қўлга бериб меҳнат қилиб ҳозиргача қўшимча 30 эшелон кўмир қазиб чиқарди. Бу кўрсаткичга эришишда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Хўжа Аликулов раҳбарлигидаги экскаваторчилар бригадаси ажойиб ғайрат кўрсатди. Р. Ўрмонов, А. Холматов, Н. Эргашев каби моҳир экскаваторчилар смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, йил бошидан бери қўшимча минглаб тонна ёқилғини заводларга юклаб бердилар. Ҳозироқ бригада коллективи юбилей йили мажбуриятини уч марта ортиғи билан бажарди.

Разрезда меҳнат унумдорлиги ой сайин ортиб бораяпти. Маҳсулот таннархининг арзонлашиб бораётганлиги туфайли ўтган ойларда қўшимча равишда 162 минг сўмлик фойда кўрилди. Ҳозир кончилар юбилей шарафига ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Хўжа Аликулов бошлиқ экскаваторчилар бригадаси эндиликда Улуғ Октябрининг 50 йиллиги номли бригада унвонини олиш учун кураш олиб бораяпти.

Кончилар куними кўмир разрези билан бир қаторда 9-шахта коллективи ҳам ёруғ юз билан кутиб олди. Шахта аҳли юбилей йилида 1 миллион 200 минг тонна кўмир қазиб чиқаришни мўлжалланган. Шунга қўшимча равишда яна 20 эшелон «қора олтин» қазиб олинади ва истеъмолчиларга жўнатилади. Азаматлар ўз сўзларига амал қилиб ўтган етти ярим ой давомида 600 минг тонна кўмирни заказчиларга етказиб бердилар. Таннархнинг арзонлашганлиги туфайли корхона қўшимча равишда 25 минг сўмлик фойда кўрди.

Бу муваффақиятга эришишда айниқса 4-участка коллективи кўп ҳисса қўшди. Участка коллективи ўз зиммасидаги юбилей йили мажбуриятини аллақачон бажариб қўйган. Йил бошидан бери улар қўшимча равишда етти минг тонна кўмир қазиб чиқардилар. Бу кузланганидан қарийб 3 минг тонна кўпдир.

4-участкада илғорлар оз эмас. Абдулла Қаршиев, Шомил Эшмаев каби тажрибали кончилар раҳбарлик қилаётган бригадалар бизнинг фахримиз ҳисобланишади. Бу бригадаларнинг ҳар бири юбилей йилининг ўтган ойларида қўшимча равишда минглаб тонна «қора олтин» қазиб чиқарди.

Тоғ инженери Аҳмаджон Мусажонов раҳбарлик қилаётган 1-коммунистик меҳнат участкаси эришаётган муваффақиятлар ҳам мақтовга лойиқдир. Бу участкада Ленин орденли Абдурахмон Маматов бошлиқ бригада аъзолари ўзаро мусобақанинг олдинги сафларида келишаяпти. Улар ойма-ой қўшимча ёқилғи қазиб чиқаришга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эришмоқдалар.

Кончилар техникадан кенг фойдаланиш туфайли шундай ютуқларга эришмоқда. Ҳозир 6-участкада «Тула» маркали механизациялашган комбайн мупаффақиятли ишлаб турибди. Бу комбайндан унумли фойдаланиш натижасида 6-участка коллективи август ойининг ўтган ҳафталари давомида қўшимча миинг тонна кўмир қазиб чиқаришга эришди. Бундан буён ҳам техникадан иложи борича кенгроқ фойдаланиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириб меҳнат унумдорлигини оширишга ҳаракат қилаверамиз.

Илғор тажриба, янги техника ютуқларимиз гаровн бўлмоқда. Ҳозир кўмир разрезида ҳар бир кончи ой давомида пландаги 307,3 тонна ўрнига 315,4 тонна ёқилғи қазиб чиқаришга эришмоқда. Бу йил унумсиз ҳаражатлар жуда ҳам камайди. Бу таннархнинг арзонлашишига олиб келди. Илгаригига нисбатан ҳозир комбинат бўйича ҳар тонна кўмир қазиб чиқариш учун етти тийин кам маблағ сарфланаяпти. Бу қўшимча 156 минг сўмлик жамғарма деган гап. Тушаётган умумий қўшимча фойдани ҳисобласак, у 600 минг сўмни ташкил этади.

Шуниси қувончлики, барча кўмир қазиб чиқарувчи корхоналар жамғарма тўплаш бўйича белгиланган топшириқни ортиғи билан адо этаяпти. Кўмир разрези қўшимча равишда 170 минг сўмлик жамғарма олган бўлса, 9-шахта 106 минг сўмлик жамғарма тўплади.

Кўриниб турибдики, кончиларнинг юбилей йили одими чакки эмас. Бунга кончиларнинг ишга ижодий ёндошиши, тер тўкиб меҳнат қилиши туфайли эришилган.

Оҳангарондинг кўмир қазиб чиқарувчи корхоналари юбилей марралари томон шахдам одим ташлаб бормоқда. «Узбекуголь» комбинати корхоналари кончилар кунигача 2700 минг тонна кўмир қазиб чиқарди. Қолган ойлар планини ҳам ортиғи билан адо этиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ҳозирги кунда комбинатимиз корхоналари КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965) Пленуми қарорлари асосида планлаштиришнинг ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиш тараддудини кўрмоқда. Комбинат бош инженери А. Лобачев раҳбарлигида тузилган иқтисодий совет барча ҳисоб-китобларни ишлаб чиқмоқда, мутахассисларни янги системада ишлашга тайёрламоқда. Янги системага ўтгач, ишларимиз тағин ҳам юришиб кетади. Коннинг янги истиқболлари очилади.

Эришаётган муваффақиятларимиз одамлар меҳнати туфайли бўляпти. Шунинг учун ҳам биз кончилар саломатлиги учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш йўлларини излаяпмиз. Ҳозироқ кўпгина оғир ишлар тўла механизмлар елкасига юклатилган. Кончилар саломатлигини яхшилаш соҳасида бир қатор амалий тадбирлар кўриб чиқилган. Иттифоқимизнинг йирик-йирик дам олиш уйлари ва санаторийлари бизнинг кончиларга ҳам хизмат кўрсатаётир. Шу йилнинг ўзида 200 дан ортиқ кончи Крим ва Кавказ, Украина ва Молдавия курортларида дам олиб кучга куч қўшиб қайтди. 280 кончи ўз меҳнат отпускасини дам олиш уйларида ўтказди.

Область кончилар касаба союзлари комитети ҳузурида профилактерий ишлаб турибди. Бу профилактерий ҳар йили 360 кишига хизмат кўрсатаяпти. Шуниндек, корхоналар ҳузуридаги туристик базалар ҳам кончилар учун очиқ. Ишчиларимиз дам олиш кунлари ўз онила аъзолари билан шу туристик базаларга чиқиб кетиб, намунали дам олиб қайтадилар. Кончилар фарзандларига ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Кончилар область касаба союзлари пионер лагерида бу йил ёз бўйи мингдан ортиқ бола дам олди.

Кончилар ҳукуматимиз кўрсатаётган бундай ғамхўрликдан бағоят хурсанддирлар. Улар бунга жавобан, тағин ҳам ғайрат билан меҳнат қилишга, партиямиз XXIII съезди қарорларини ҳаётга тўлароқ тадбиқ этишга ҳаракат қилмоқдалар. Биз бугун ерости қаҳрамонларини катта байрам — кончилар куни билан қизғин табриклаймиз ва юбилей йили марраларини эгаллашда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

А. ЛЕБЕДКОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Узбекуголь» комбинати директори.



ЮБИЛЕЙ йили марраси — 45 центнер! Янгийўлдаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозининг Тошканбой Темиров бошлиқ участкаси пахтакорлари Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйини ана шундай тўёна билан кутиб олишга ҳаракат қилишаяпти. Ҳозир «оқ олтин» пайкалларида мўл ҳосил етилмоқда. Суратда: колхоз агрономи Р. Йўлдошев (чапда) участканинг кекса деҳқонларидан бири Т. Умматов билан бирга ҳосилни чамалаб кўрмоқда. О. Қозоқбоев фотоси.

МАШИНА ҚАНОТ БЎЛАДИ

Кўплар қатори Оққўрғондаги «Москва» колхозининг деҳқонларини заршунослар деб атасак арзийди. Негаки, улар кейинги йилларда техникага чинакам ихлос қўйиб, ҳосилдорликни тобора ошириб, ўз хўжаликларини илғорлар сафига тенглаштириб олдилар. Мана, беш йилликнинг дастлабки йили натижаларини олиб кўрайлик. Гектар бошига пландаги беш центнер кўп «оқ олтин» кўтарилди. Ялпи ҳосилнинг ўндан саккиз қисми «зангори кема»лар билан терилди. Пахта тайёрлаш плани 20 кун деганда бажарилди.

Совет ҳокимиятининг эллик йиллиги тўй қилинадиган бу йил улар тағин ҳам каттароқ марраларни кўзлаб иш юритишаяпти. Илгаригидан каттароқ ютуққа эришиш учун фақат жон куйдириб ишлашнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун ишнинг кўзини билиш, янгилик ва енгиллик туғдирувчи тадбирларни кўриш ҳам керак бўлади. Бу колхоздагилар шундай қилишди. Авваламбор меҳнатни ташкил этишда кескин бурилиш ясалди. Ўтган йили хўжалик ҳисоби асосида, нарядсиз усулда ишлайдиган звеноларнинг сони олтита эди. Бу звеноларнинг аъзолари наряд билан ишлайдиган звеноларнинг аъзоларига қараганда анча яхши натижаларга эришдилар. Нарядсиз звенолар ўрта ҳисобда гектар бошига 28,8 центнердан ҳосил олишган бўлса, нарядли звенолар 22,4 центнердан олишди. Нарядсиз звеноларнинг аъзолари йил охирида асосий маошларининг ҳар бир сўми ҳисобига ўртача 1 сўм 20 тийиндан қўшимча ҳақ олишди. Нарядли звеноларда эса бундай бўлмади. Бундан ташқари нарядсиз звеноларнинг кўпчилигида 90—95 процент ҳосил фақат машиналар билан териб олинди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усули ана шундай афзалликларга эга эканлигини ҳисобга олиб, бу йил мавжуд 18 та звенонинг ҳаммасини хўжалик ҳисоби асосида, нарядсиз усулда ишлашга кўчирди. Бу тадбир шу йилнинг ўтган ойлари мобайнидаёқ ўзининг қувончли самараларини кўрсатди. Колхозчиларнинг меҳнатга ва мўл ҳосил етиштиришга бўлган муносабатлари сезиларли даражада ўзгарди, дала ишлари ниҳоятда сифатли бажариладиган бўлиб қолди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, илгарилари терим арафасига келганда ҳам кўпчилик майдонларни ўт босиб ётарди, бу йил бўлса бегона ўтдан, асар ҳам қолдирилмади. Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишига кўра, ўтган йилнинг шу вақтида колхоз бўйича ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда етти яримтадан кўсак тўпланган бўлса, бу йил саккиз яримтадан тўпланибди. Юзаки қараганда, ўртадаги бу фарқ назарга илинмайдигандай бўлиб кўринади. Лекин, ҳисоблаб чиқилса, ҳосилдорлик анча ошганлиги маълум бўлади. Ахир, ҳар тупда булутргача қараганда биттадан кўп кўсак тўпланган бўлса, бу ҳар гектар ерда 85—90 мингта кўсак кўп тўпланибди, деган сўз. Бундан озмунча ҳосил чиқмайди-ку!

Колхоз пахтакорлари «оқ олтин» тайёрлаш планини бу йил ҳам узоғи билан йигирма иш кунида бажаришга, мажбуриятдаги 1875 тонна пахтанинг 80 процентидан ортиғини машиналар билан теришга, ҳосилдорликни пландагидан саккиз центнер оширишга сўз беришган. Шу сўзнинг устидан чиқиш учун пахта пишиб етилаётган ҳозирги кунларда ўз ишларини ғўза парвариши давридагидан ҳам кучайтириб юборишди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг пахта теримига пухта ҳозирлик кўриш тўғрисидаги қарори ҳамда илғор механик-ҳайдовчиларнинг Мурожаати асосида долзарб мавсумга ҳар томонлама пухта тараддуд кўрилаяпти. Ҳосилнинг ўндан саккиз ҳиссаси машиналарда териладиган бўлгандан кейин асосий диққат-эътибор машина теримини намунали ўтказишга қаратилмоқда.

Пахта тайёрлаш планининг 20 кун ичида бажарилишини тўла таъминлайдиган қатъий график тузиб чиқилди.

— Юбилей йилида машина теримини тағин ҳам яхшироқ ташкил этиш чораларини кўраяпмиз, — дейди колхоз раиси Исмоил Шубладзе, — илгариги йилларни бир участкада нечта машина бўлса, ҳаммаси бир пайкалда баравар ишлайверарди. Машиналарни группа қилиб ишлатишнинг афзалликлари йўқ эмас, албатта. Лекин, бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатдики, группа бўлиб ишланганда ерга тўкилиб қоладиган пахта кўпроқ бўларкан. Чунки бировнинг звеносига ўтиб ишлаётган механик-ҳайдовчи тоннанинг кетидан қувиб, машинани тез ҳайдаб, пахтани кўпроқ тўкиб кетади. Ким тўкиб кетганлигини аниқлаш ва уни контроль қилиш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун бу йил бор машиналаримизни ҳамма звеноларга тақсимлаб бердик. Бунда звено бошлиқлари ва аъзолари ўзларига қарашли ерларда етиштирилган ҳосилнинг нес-нобуд бўлишига йўл қўймайдилар, машиналарнинг қандай ишлаётганлигини доимо назорат қилиб борадилар. Механик-ҳайдовчиларни пахтани тўкмай-сочмай терганликлари учун ҳам рағбатлантириш чораларини кўриб қўйдик.

Машина теримининг муваффақияти дефолиациянинг уз вақтида ва сифатли ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўтган йили асосий майдонларга дефолиация пайтида цианамид кальций, баъзи бир пайкалларга эса буфетоз сепилган эди. Айрим карталарда ғўза баргининг тўкилиши кечикиб кетди. Ана шуни ҳисобга олиб, бу йил дефолиацияни ҳам цианамид кальций, ҳам бутефоз билан ўтказишга қарор қилинди.

Кардош Қозоғистоннинг Жамбул областидан ёрдам қўлини чўзиб келган ҳаво лочинлари колхозда бугун-эрта дефолиацияни бошлаб юборадилар. Узоғи билан 5 сентябрга қадар барча майдонлар дефолиация қилиб бўлинади.

— Бултур, — дейди колхоз бош агрономи ўртоқ Т. Каримов, — десикацияни муддатидан чамаси бир ҳафта кечикиб ўтказган эканмиз. Натижада бу тадбир биз кутганчалик самара бермади. Бу йил фақат планнигина жуда қисқа фурсатда бажариш учун эмас, балки бутун ҳосилни ёғин-сочинли кунларгача битта қўймай териб олиш учун ҳаракат қилаяпмиз. Шунинг учун биринчи теримдан кейинок, яъни 25 сентябрдан кечикмасдан барча майдонларимизни хлорат магний билан десикация қиламиз. Бу тадбир очилмаган кўсакларнинг чаман-чаман бўлиб очилишига имконият туғдиради. Кейин барча машиналаримизни, подборшчикларимизни тағин ҳам унумли ишлатиб, ҳосилнинг ҳаммасини қисқа фурсатда териб оламиз.

Бу колхозда машина теримини намунали ўтказиш учун яна бир қилинган янгилик шуки, илгариги йиллари машиналар қайтадиган майдончалардаги ғўза ўриб олиниб, бир чеккага ташланарди-да, кейин пахтаси териларди. Энди бу йил пайкалларнинг чеккаларидаги дўнгликлар, ариқлар текисланиб, қайтиш майдончаси ҳосил қилинаяпти. Бу тадбир ҳосилни нобуд қилмасликда ҳам катта аҳамиятга эга.

Юбилей йили хирмонингизга барака, «Москва» колхозининг азамат пахтакорлари!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

БУНКЕРЛАРДАН 90 ПРОЦЕНТ

Оққўрғон районидаги Оҳунбобоев номли колхознинг Умаркул Ниёзов бошлиқ участкада 88 гектар пахта майдони бор. План бўйича ҳар гектар ердан 20,5 центнер ҳосил етиштириши керак. Лекин азамат колхозчилар юбилей йилида гектаридан 25 центнердан ҳосил олиш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Ҳозир звено бошлиқларидан Анорқул Сайдалиев, Раим Файзиевлар ғўзани сўнгги марта парвариш қилмоқдалар. Бу звеноларда мўл ҳосил етиштиришда сувчилардан Зоит Рустамов, Турғунбой Юсуповлар алоҳида ғайрат кўрсатдилар.

Участка аъзолари 90 процент ҳосилни машина билан териб олишга аҳд қилгавлар. Айни кунларда ғўза қатор оралари бегона ўтлардан тозаланмоқда.

Қ. САЙДИНОХУНОВ.

ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

ОБЛАСТИМИЗ меҳнаткашлари юбилейини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилишаяпти. Ўтган йилларда аҳолини сабзавот ва картошка билан таъминлашда бирмунча камчиликлар содир бўларди. Эндиликда бунга чек қўйилди. Аҳоли кўп яшайдиган шаҳарлар атрофидаги колхоз ва совхозларда сабзавот ва картошка етиштириш кўпайди.

Шу кунларда сабзавотни кўпайтириш ҳақида кўрилган тадбирлар ўз ижобий натижаларини бераяпти. Областимизнинг қаерига борманг — савдо тармоқларида ҳам, бозорларда ҳам қишлоқ хўжалик ноз-неъматлари мўл-кўл эканлигини кўрасиз.

Шу кунгача областимиз деҳқонлари аҳоли дастурхонига қарийб 80 минг тонна турли сабзавот маҳсулотлари етказиб беришди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 28 минг тонна кўп демакдир.

Бу йил 32 минг 400 тонна картошка тайёрланиши лозим. Хўжаликлар эртаги картошканинг ўндан тайёрлов пунктларига салкам 18 минг тонна ёки йиллик планнинг 55 процентини етказиб бердилар. Бу катта хирмонга Калинин ва Оржоникидзе районларининг деҳқонлари муносиб ҳисса қўшишди.

Областимиз боғбовлари ҳам юбилей йилини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Улар шу кунгача шаҳарларимиз меҳнаткашларига, қардош республикалардаги дўстларимиз дастурхонига 13 минг тоннадан кўпроқ мева етказиб бердилар. Юбилей йилида боғбонларимиз ўтган йилга нисбатан 5 минг тонна кўп мева тайёрлаш мажбуриятини олишган.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни чуқур қайғу билан билдирадиларки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Павел Осипович ЧЕКИН узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1967 йил 25 августда вафот этди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Павел Осипович ЧЕКИНни дафн этишни уюштириш учун Н. М. Матчонов (раис), С. О. Азимов, Қ. М. Муртазоев, Р. С. Сахибоев, Н. Б. Бозоров, В. В. Окунскийлардан иборат ҳукумат комиссиясини туздилар.

РЕСПУБЛИКА ИНДУСТРИЯСИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий Статистика бошқармасининг хабар беришича, Ўзбекистон саноат ходимлари Совет давлатининг эллик йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирланиб, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турлари бўйича саккиз ойлик ишлаб чиқариш программасини муддатидан олдин, 1967 йил 26 августда бажардилар.

Август охиригача саккиз ойлик пландан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилади, планга қўшимча равишда кўмир, нефть қазиб олинади, тоза нефть маҳсулотлари, электр энергия, машиналар, уларга керакли запас қисмлар, минерал ўғитлар, пахта толаси, ипак газлама, устки трикотаж, тайёр кийимлар, гўшт, мева-сабзавот консервалари, ўсимлик ёғи ва саноатнинг бошқа маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ТЕЗИСЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

БЎКА. Райондаги барча бошланғич партия ташкилотларн КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» Тезисларнни омма ўртасида кенг пропаганда қилмоқдалар. Бу ишга агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар, пропагандистлар, партия ва комсомол ходимлари жалб этилган.

1200 дан ортиқ агитатор ва 1100 сиёсий ташкилотчи дала шийлонларида, маҳаллаларда, хонадонларда Тезисларни ўқишни ташкил этишди. «Бўка», 1-«Пискент» совхозлари, «Жамбул», Калинин, Ҳамза номли колхозларда Тезисларни ўрганиш айниқса яхши йўлга қўйилди.

Дала меҳнаткашларн партиямизнинг илҳомбахш ҳужжатларини ўрганиб чиққач, юбилей йили топшириқларини беками-кўст адо этиш, мамлакатимизнинг ярим асрлик шонли тўйини муносиб кутиб олишга аҳд қилишди.

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

ЎРТА ЧИРЧИҚ. 1-«Оҳангарон» совхози 3-бўлимининг А. Ойхўжаев бошлиқ звеноси аъзолари ажойиб ватанпарварлик ташаббуси бошладилар. Улар картошкачиликда хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашга қарор қилишди. Бу прогрессив усул картошка ҳосилдорлигини оширишда муҳим омилдир.

Звено ишчилари Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейн шарафига 30 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 160 центнердан арзон нархда картошка етиштиришга сўз беришди ва райондаги ҳамкасбларнни юбилей йилида сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил олиш, хўжалик ҳисобида ишлайдиган звено системасига ўтишга даъват қилишди.

Район партия комитети бюроси А. Ойхўжаев бошлиқ звено ишчиларининг ажойиб ташаббусини маъқуллади ҳамда барча колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларига бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаш, сабзавоткор ва картошкачилик бригада-звеноларида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришни топширди.

ЮБИЛЕЙ ЛЕКТОРИЙСИ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. Район партия комитети томонидан ташкил этилган юбилей лекторийсининг машғулотлари мунтазам ўтказилиб турибди. Лекторийнинг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги машғулотида райком инструктори А. Минзафаров «Совет Ўзбекистони 50 йил ичида» деган темада лекция ўқиди. Лектор тингловчиларга ярим аср мобайнида ўлкамизда экономика ва маданият юксак даражада ривожланганлигини ёркин факт ва рақамлар асосида ҳикоя қилиб берди. Область ва районда юз берган катта ўзгаришларга доир қизиқарли мисоллар келтирди.

Лекторий тингловчиларига машғулотлардан сўнг ўтилган темага оид киножурналлар намойиш қилинаётир.

ЎҚИТУВЧИЛАР КЕНГАШМОҚДАЛАР

Совет мактаби олдида ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашдек муҳим вазифалар турибди. Бу шарафли ишни амалга оширишда педагогларнинг роли беқиёс каттадир. Шунинг учун ҳам пойтахтнинг Октябрь райони мактаблари ўқитувчилари ўзларининг бу йилги август кенгашларида ана шу масалаларни атрофлича муҳокама қилмоқдалар.

Район ўқитувчилари ва халқ маорифи ходимларининг бу кенгаши кун тартибига кўпгина масалалар киритилди. Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Содиқов «Коммунистик қурилишда совет мактабининг роли» деган темада доклад қилди. Докладчи шу нарсани мамнуният билан қайд қилиб ўтдики, бу йил район мактабларида ўқийдиган ўқувчилар сони ўтган йилдагилардан кўпроқ. Умуман, янги ўқув йилида район мактабларида 50 минг 690 ўғил-қиз билим олади.

Район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ А. Сайдахмедовнинг «Халқ маорифининг ҳозирги кундаги мазмуни ва уни юксалтириш тадбирлари» деган темадаги доклади ҳам эътибор билан тингланди. Докладчи ўтган ўқув йили якунлари ҳақида гапирди. Шу билан бирга юбилей ўқув йилида қилинадиган ишлар устида батафсил тўхталди.

Докладлар юзасидан бўлган музокараларда сўзлаган 28-мактаб директори В. Хожиева, 10-мактаб ўқитувчиси Н. Негрон, 24-мактаб ўқитувчиси Қ. Аҳмедов ва бошқа ўртоқлар педагогик коллективларнинг ота-оналар билан алоқасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларга политехника таълими беришни тағин ҳам яхшилаш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Р. ДАМИНОВ.

АЛАНГАЛИ ЙИЛЛАР ЖАНГЧИСИ

Куз қуёши ботиб, борлиқ тун пардасига бурканаётган пайтда Бурта Раҳмонқулов бошлиқ разведкачилар белгиланган манзилга етиб келишди. Улардан бири отларни тепа ортига яширди. Қолганлари эса ёнбошдаги йўл ёқасининг хилват ерларига жойлашиб олишди.

Илгарилари от-уловли ва пиёда кишилар юрадиган бу йўлдан шу кезларда арава ҳам қатнайдиган бўлиб қолганди. Бу йўл Телов, Янгибозор, Туркқишлоқ, Хонобод, Пангоз атрофларида оч бўридек изғиб юрган босмачи шайкалари учун бирмунча қулайлик туғдираётган эди. Шунинг учун ҳам у Облиқ фронти жанговар дружинаси назорати остига олинган эди.

Орадан кўп ўтмай, йўлнинг қирга кетадиган сўқмоқ билан кесишган жойида қўқон арава кўринди. Аравакаш қандайдир жўшқин қўшиқни ҳиргойи қилиб, бамайлихотир келар, аҳён-аҳёнда «чуҳ-чуҳ» деб отига қамчи босиб қўярди. Арава ўнқир-чўнқир йўллардан қанчалик нотинч юрмасин, устидаги йўловчилар ғиқ этмай боришарди.

— Йўл бўлсин биродар? — разведкачилар аравакашга яқинлашишди. У донг қотиб қолдию, лекин бир зумда ўзини тутиб, жавоб берди:

— Эй, ўзимизники экансизлар-ку, мен бўлсам уйинг куйгур Омон полвонининг одамларидебман. Шундай, меҳмондан қайтаяпмиз.

— Жуда яхши, — деди Бурта ака. — Аммо биз аравадаги юкларни бир текшириб кўрсак.

Аравакашнинг рангида қон қолмади. Бир дам «без» бўлиб тургандан кейин йиғламсираб овоз чиқарди:

— Е парвардигор, қандай кунга қолдик. Сизларни ўзимизники десак, бу қанақаси энди. Ахир аравада аёллар ўтиришибди-ку. Қопдагилар бўлса нонпон.

Разведкачилар дарҳол ҳамма нарсани фаҳмлаб олишди. Улар фурсатни ўтказмай, аравани ўрашди. Шу пайт паранжидаги аёллардан бири қалтис ҳаракат қила бошлади. Аммо вақт ўтган эди.

— Талваса қилмай қўяқол, — деди йигитлардан бири, унинг паранжисини улоқтириб ташлаб, — мана сенинг ҳақиқий башаранг. Энди севларга паранжи ҳам, қора ер ҳам паноҳ бўла олмайди.

Аравадаги «аёллар»нинг бири чор армиясининг полковниги, иккинчиси эса капитан бўлиб чиқди. Қопдаги нарсалар нуқул қурол-аслаҳа билан ўқ-дори экан.

— Ошна сиз ҳам паранжи ёпиниб, «занфлар» қаторига ўтиб олсангиз бўларди, аравани ўзимиз ҳайдаймиз, — деди аравакашга киноя билан Бурта ака ва ўзи отга миниб, тутқунларни олиб кетди...

Бу воқеа 1919 йилда содир бўлган эди.

Ҳа Бурта ота Раҳмонқулов революция жангчиси, ўлкамизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда фаоллик кўрсатган халқ фарзандларидан бири. Биз юқорида унинг алангали жанғу-жадал йилларидаги фидокорлигидан кичкина бир лавҳа келтирдик, холос.

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

Бурта ота Раҳмонқулов 1918—1919 йилларда Облиқ фронтида Омон полвон, Раҳмонқул қурбоши шайкаларига қарши жангларда иштирок этди. 1919 йил августидан бирнчи Туркистон коммунистик полкининг солдати бўлди. Осипов қўзголонини бостиришда қатнашди.

— Осиповчилар билан Тошкентда бўлган жанг, — дейди Бурта ота, — ҳали-ҳали кўз олдимда туради. Биз революция душманлари билан шиддатли уруш қилдик. Осипов халқни қўрқитиб ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлган эди. Лекин революцион куч унн тор-мор келтирди.

Бурта ота Тошкентнинг атроф қишлоқлари, Чотқол ва Қурама тоғларида босмачилар билан бўлган курашда айниқса зўр шижоат ва жасурлик кўрсатган. Кейинчалик у халқ милицияси сафида бўлади. Қишлоқларни социалистик асосда қайта қуришда қатнашди; узоқ йиллар мобайнида Янгибозор луб заводи ва район сув хўжалиги системасида меҳнат қилди. Муборак 60 ёшида Бурта ота шахсий пенсияга узатилди. У ҳозир «Ўзбекистон» колхозининг Куйбишев участкасидаги қутлуғ хонадонида бахтиёр кексалик гаштини сураяпти.

Ота революция ва меҳнат ветерани сифатида ёш авлодни коммунистик руҳда, ота-боболаримиз шонли жанговар традицияларн руҳида тарбиялашдек олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Халқимиз, Ватанимиз Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллигига қизғин тайёргарлик кўраётган бир пайтда муътабар отахонимизга яна узоқ йиллар умр кўришни, сиҳат-саломат бўлишни тилаймиз.

Э. ДОВУТБЕКОВ.
Юқори Чирчиқ районидаги Янгибозор қишлоғи.

ҚУРИЛИШ НОНИ

Юбилей шарафига астойдил меҳнат қилаётган коллективимиз ўтган ойлар мобайнида қувонарли ютуқларни қўлга киритди. Янги ий-йилар, мактаб, болалар боғчалари ва бошқа муҳим қурилишларга бир миллион 650 минг дона пишиқ ғишт ва бир миллион 170 минг дона хом ғишт етказиб бердик. Бу планда кўзда тутилгандан 540 минг дона кўпдир.

Шуниси қувончлики, заводимизда йил сайин ғишт ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда. Агар 1962 йилда бу ерда ҳаммаси бўлиб 382 минг дона пишиқ ғишт тайёрланган бўлса, бултур 2 миллион 500 минг дона ғишт қурилиш майдонларига жўнатилди. Юбилей йилида эса 3 миллион 100 минг дона пишиқ ғишт етказиб бериш вазифасини ўз зиммамизга олганмиз. Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги суръати бу мажбуриятнинг ортиғи билан бажарилишидан дарак бериб турибди. Бу йил плиндан ташқари, яна ярим миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш имкониятига ҳам эгамиз.

Ўтган етти ой мобайнида ишлаб чиқаришни механизациялаштириш борасида анчагина тадбирларни амалга оширдик. Материалларни иқтисод қилиш учун кураш, электр энергиясини тежаш, транспорт ҳаражатларини камайтириш борасида кўрилаётган чоралар таннархни арзонлаштиришга, соф фойданинг кўпайишига олиб келмоқда. Масалан, йил бошидан бўён олинган соф фойда 15 минг сўмдан зиёдни ташкил этади. Ўтилаб механизацияда ишчиларимиз қурилиш нони ҳисобланган ғишт ишлаб чиқаришни кўпайтириш жонажон Тошкентимиз учун қанчалик зарурлигини ҳис этиб, эҳтиётшижоат кўрсатмоқдалар. Бульдозерчи Иван Савельев, лой қориш агрегатининг бошқарувчиси П. Смазилкин, слесарь Ф. Гизатуллин, ғишт йиғувчилар Н. Фахриева, П. Бўронова, М. Тожибоева ва бошқалар кунлик нормани муттасил 120—130 процентдан адо этиб, қурувчиларга мададкор бўлмоқдалар.

Бош мастер Қолдибек Ўтниев раҳбарлик қилаётган ғишт қуювчилар бригадаси иши айниқса намунали. Улар Совет ҳокимиятининг шонли юбилейи айёмигача ўз зиммаларидаги йиллик топшириқни бажариш учун курашишяпти. Бригада аъзолари ҳар куни агрегатлар ёрдамида 27 минг ўринга 30—31 минг дона хом ғишт тайёрламоқдалар. Завод бўйича эса фақат август ойининг ўзида бир миллион 600 минг дона пишиқ ғишт етказиб беришга интиляпмиз.

Ишчиларга барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ошиб бормоқда. Клуб, чойхона, амбулатория улар хизматида. Бу жиҳатдан Назарбек қишлоқ Совети ишчиларимизга катта ёрдам кўрсатмоқда. Посёлкамиз кундан-кунга гўзаллашиб боряпти. Корхонага олиб борадиган ноқулай йўл текисланиб, шағал ёткизилди. Барча хоналар электрлаштирилди. Ишчиларнинг фарзандлари учун пионер лагери очиб берганмиз.

Келгуси йилги режалар бундан ҳам қувончли. «Облколхозстрой» трести Янгийўл ғишт хумдонини ҳам корхонамиз ихтиёрига қўшди. Эндиликда йилига 8 миллион дона ғишт пиширишга ўтамиз. Хозир хумдонларни қайта тиклаб, механизациялаштириш ишлари жадал олиб боряпти. Конвейер ленталарни узайтириш, янги печь ўрнатиш ишларини Улуғ Октябрь юбилейигача тугаллаймиз.

М. ҲАМДАМОВ,
«Назарбек» ғишт заводи директори.

КЎНГИЛ ОВЧИСИ

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Касалхонадан соғайиб чиққан дўстим Анварни кўриб келай, деб Бешёғочга йўл олдим. Анвар поликлиникага кетган экан, отаси иссиқ қарши олди. «Хозир келиб қолади, ўғлим, қани бир-бир пиёладан чой ичайлик» деб қўярда-қўймай столга таклиф қилди. Эндигина суҳбат бошлаган ҳам эдикки, дарвоза тақиллади. Орадан кўп ўтмай суҳбатдошим Сидиқ ота меҳмонни ҳовлига бошлаб кирди. Унинг чеҳраси шодон эди.

— Э баракалла, баракалла ўғлим, қани буёққа, чойга марҳамат, — кейин ота менга юзланиб меҳмон билан таништирди, —почтальонимиз, жуда оёқ-қўли енгил йигит-да.

— Мактаб юбординглз, ота, —қувноқ чеҳрали почтальон газета ва журналлар билан тўла сумкасини қўйиб ўтирар экан, деди,— аввало сиздан узр сўрайман, кеча келолмадим. Бироз зарурат чиқиб қолди. Мана бугун пенсиянгизни олиб келдим,— почтальон қарилик пенсиясига чиққан собиқ савдо ходими Сидиқ ота Дўстмуҳамедов билан юракдан сўзлашар экан, унга пулини топширди.

Бу почтальоннинг исми Комил, Асли конободомлик. 1953 йилда ўнинчи синфни тамомлагач, Тошкентга келиб Чилонзор районидаги 3-почтага ишга кирди. Хонадонларга газета-журналларни ўз вақтида етказиб бериш, ёру-биродарлардан, қариндош-уруғлардан кишиларга хушхабарлар элтиш касби Комилжонга жуда ёқиб қолди. Мана, энди ўн беш йилдан бери у кўнгил овчиси. Фуркат, Олмазор, Богдан Хмельницкий, Шпилков, 9-Январь, Арпапоя, Ўзбекистон кўчаларида истиқомат қилувчи каттадан-кичикнинг ҳаммаси Комилжонни ҳурмат қилишади.

Ўзаро суҳбат вақтида мен Комилжондан қунига неча соат ишлайсиз, деб сўраб қолдим. У кулиб:

— Эрталаб етти яримдан кеч соат саккизгача,— деб жавоб қилди.— Ишимнинг менга ҳузур бахш этадиган томони бор. Мен халқ кўнглини овлашга ҳаракат қиламан.

Тинним билмас Комил Исмоилов Сидиқ отанинг шинамгина сўриси остида бир пиёла чой ичиб бўлгач, ўрнидан турди:

— Мени кечирасизлар,— деди у,— тезрок сумкамни бўшатмасам бўлмайди. Ҳа, бўшатмагунча кўнглим ҳам тўлмайди,— у шу гапни айтди-ю, биз билан хайрлашиб Сидиқ ота сингари ўнлаб пенсионерлар олдига, юзлаб газетхонлар хонадонига шошилди.

Ҳар касбнинг ўз гашти бор деб шунисига айтадилар. Комилжон кўнгил овчиси бўлганлиги билан мамнун, Кишилар эса хушхабарлар элчисидан миннатдор.

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ.

ЧОРВОҚ ГЭСИ ҚУРИЛИШИДА

Чорвоқ ГЭСи кўплаб электр қувватн етказиб бериш билан бирга ўзига хос сув омборн ташкил этади. У икки миллиард кубометр сув тўплаб, қўшимча 140 минг гектар янги ерларни суғориш имконини беради. Суратда: 1-қурилиш тоннели айланма каналининг чиқиш йўли.

А. Горокрик ва А. Поляков фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

БИЗНИНГ ТАЛАБИМИЗ РЕДАКЦИЯГА ХАТ

«Олмазор» маҳалласида спортни севиб қолган ёшлар талайгина. Айниқса футболни кўпчилик севади. Шахмат-шашка, бокс, волейбол шинавандалари ҳам бор.

Маҳалла актнвлари ана шуни ҳисобга олиб навбатдаги йиғилишларнинг бирида ташландиқ ерни тозалаш, уни спорт майдончасига айлантиришни таклиф этишган эди. Ёшлар хашар қилиб, бу ерни тозалашди, текислаб қўримлигина жойга айлантиришди. Кеч кириши билан бу ерда волейбол, футбол ўйинлари бошланадиган бўлди. Ахлатхона бўлиб ётган жойга сон кирганлиги кексаларни хурсанд этган бўлса, вақтларини кўнгилли ўтказабошлаган ёшлар ҳам ўз меҳнатлари натижасидан мамнун эдилар.

Бироқ афсуски, бу қувонч узоққа бормади. Маҳалла комитетининг раиси А. Нурмуҳамедов «тўп тепишдан на фойда» деб тайёр майдончани чоптириб ташлади, бу ерни экинзорга айлантирамиз деб туриб олди. Кўкаламзор жой бундёдга келган бўлса ҳам майли эдия, майдон яна ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Сувсизликдан, қаровдан қолган кўчатлар қуриб, бу ер яна ахлатхонага айлана бошлади.

Спорт ишқибозлари бир неча бор маҳалла комитети раисига мурожаат қилиб, спорт майдонини улар ихтиёрига беришни илтимос қилишди. Аммо раис бир сўзини икки қилмади.

— Бу ер сенларга тўп тепадиган жой эмас, тўп тепгиларинг келса, «Пахтакор» стадионига бориб тепаберинглар,— деди маҳалла раиси ўжарлик билан.

Партия ва ҳукуматимиз спортни оммавийлаштириш учун тинмай ғамхўрлик қиляпти, бу ишга ҳамма жойда катта эътибор берилияпти. Ҳурматли редакция, наҳотки ўртоқ А. Нурмуҳамедов буни тушунмаса, биз ёшларнинг талабларимизга қулоқ солмай, ўз билганича иш тутса...

«Олмазор» маҳалласи ёшлари номидан: И. Тошўлатов, Х. Абдуллаев, М. Ботиров, Ш. Илёсов, С. Содиқов, З. Хусанов.
Чилонзор райони.



Чеҳралари гулгун бу дугоналар «Главмосстрой»нинг 179-қурилиш бошқармаси бинокорларидир. Улар Нина Гусейнова бошчилик қилаётган сувоқчилар звеносининг энг пешқадам аъзолари ҳисобланади. Қизлар, меҳнатда янгидан-янги ютуқларга эришганлари ҳолда ҳамкасблари олдида обрў-эътибор қозонишмоқда.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАМЛАКАТ

СССРни электрлаштириш харитаси... Бундай хариталар қанчалик кўп тузилмасин, янги қурилишларнинг кўлами жиҳатидан бизни қанчалик ажаблантирмасин, биринчи марта В. И. Ленининг шахсан илтимосига кўра Советларнинг VIII съездига тузиб чиқилган Россияни электрлаштириш харитаси хотирамиздан ҳеч вақт ўчмайди. 1920 йил декабрининг аёзли кунларида Большой театрда шипель, пахталик камзул, чакмон ва пальто кийиб ўтирган съезд делегатлари ўша харитани театр сахнасида кўрган эдилар. Совуқ биноларда қандиллар ва харитада белгиланган бўлажак ўттизта район электростанцияси чироқларини ёқиш учун вақтинча Кремлдаги электрни ўчириб туришга тўғри келган эди. Ўша пайтда электр қуввати шу қадар кам ишлаб чиқариларди.

В. И. Ленин съезд минбаридан туриб ГОЭЛРО планини партиянинг иккинчи программаси, удуг хўжаликнинг бошланишида биринчи қадам деб таърифлаганди. Ильич ниҳоятда содда ва ишончли қилиб, ўша аянчли вайронгарчилик йилларида янги Россияни электростанциялар тармоғи билан қоплаган Совет Социалистик Россиясини съезд делегатларининг кўз олдида гавдалантира олган эди. **«Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштириш демакдир»** — деган ленинча формула қанот боғлади.

Замондошлар Ленин ғояларидан ҳайратда қолдилар. 10—15 йил ичида электрлаштириш соҳасида чор Россиясининг бутун тарихи мобайнида қилинганидан кўра бир ярим баравар кўп ишни амалга ошириш зарур эди.

Вақт ўтаверди. 1921—1935 йиллар мобайнида СССРда электр станциялар қуввати белгиланганидек бир ярим баравар эмас, балки деярлик етти баравар ўсди: электр қуввати ҳосил қилиш 50 баравар ортди.

Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчилар 60 дан ортиқ йирик электростанцияни, яъни мамлакат энергетика қувватининг ярмини вайрон қилиб ташладилар. Шундай бўлишига қарамай, совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида етти йилликнинг охирига келиб СССР электростанцияларининг қувватини 115 миллион киловаттга етказишга муваффақ бўлди. Бу, 67 та ГОЭЛРО планидан ортиқдир. **1950 йилдаёқ Совет Иттифоқи электр қуввати ҳосил қилиш бўйича Европада биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринга чиқиб олди.**

Мамлакатни электрлаштириш ҳақидаги Ленин васиятларини амалга ошира бориб, совет кишилари революциядан кейин қолоқ ҳисобланган Россияни электрлашган буюк давлатга айлантирдилар. **Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги электр станцияларнинг қуввати 125 миллион киловаттга етган. 1913 йилда эса 1,1 миллион киловаттга тенг эди.** Мамлакатимизда ҳар бирининг қуввати миллион киловаттдан ортиқ бўлган 16 та энергетика гиганти ишлаб турибди. Жумладан, Братск ГЭСи 4 миллиондан ортиқ, КПСС XXII съезди номли Волга ГЭСи 2,5 миллион, Приднепровск ГРЭСи 2,4 миллион киловатт қувватга эга. Эстония сланецлари билан ишлайдиган Болтиқбўйи ГРЭСи ва бошқа электростанциялар ҳам шулар жумласидандир.

СССР Фанлар академиясининг юксак температуралар институти илмий раҳбарлигида СССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги катта истиқболга эга бўлган эксперимент энергетика қурилмасининг моделини яратишга муваффақ бўлди. Бунда электр қуввати турбиналар ва қозонлар ҳаракатисиз, иссиқликнинг бевосита магнит гидродинамика йўли билан электрга айланишидан ҳосил бўлади. 500 минг вольт кучланишли ўзгарувчан ток ва 800 минг вольт кучланишли доимий **токлар** учун ноёб электр узатиш линиялари яратилди.

Мамлакатимизга келган америкалик сенаторлар Совет-Иттифоқи гидроэлектростанциялар қуришда Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетганлигини тан олдилар.

Етти йиллик мобайнида теплофикация қурилмалари 2,4 марта кўпайди. СССР теплофикация кўлами жиҳатидан аллақачонлар жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олган.

Иирик электростанциялар ва энергетика системаларининг миқдор жиҳатидан тез ўсиб бориши билан энергетика техникаси ҳам сифат жиҳатидан тубдан ўзгаради. Мамлакатда юксак ва ниҳоятда юксак бир параметрларига эга бўлган ўнлаб қудратли энергетика блоклари ишга туширилди. Бир неча юз электроподстанциялар ва ўнлаб автоматлашган ҳамда телевидение орқали бошқариладиган гидроэлектростанциялар навбатчисиз ишламоқда.

Совет Иттифоқининг Европа қисмидаги ягона энергетика системаси, шунингдек Европадаги қардош социалистик мамлакатлар энергетикасини ўзига жамлаган «Мир» энергетика системаси ишлаб турибди ва кенгайиб бормоқда.

...КПСС XXIII съезди Директиваларида коммунистик жамият қурилиши моддий-техника базасининг асоси ҳисобланган электр энергетикасини янада жадал суръатларда ривожлантириш кўзда тутилган. Аввал бўлгани каби иссиқлик энергетикаси юқори суръатларда ривож топади. 300—500 ва 800 минг киловаттли агрегатларга эга бўлган 1—4 миллион киловатт қувватли иссиқлик электр станциялари қурилади.

Хозир мамлакатимизда ўнлаб иссиқлик энергетикаси гигантлари қурилмоқда. Улар орасида Уралдаги Ирикли ва Рефта ГРЭСлари, Волгадаги Кострома ГРЭСи бор. Қозогистондаги кўмир очиқ усулда қазиб олинадиган районларда — Экибастуз конида дунёда энг йирик иссиқлик электр станциялари қурилади. Донбасс ва Ўзбекистонда янги йирик энергетика иншоотлари кад кўтаради.

— Бирок 300 минг киловатт қувватли блокларни ўзлаштириш ҳозирча секин боряпти,— деди биз билан суҳбатда СССР энергетика ва электрлаштириш министри П. С. Непорожний. — Бу нарса эксплуатациячиларга ҳам, қурувчиларга ҳам боғлиқ. Лекин энг асосий сабаби шундаки, конструкторлар ва ускуналар етказиб берувчи заводлар конструкцияда қатор камчиликларга йўл қўйиб, баъзан сифатсиз асбоб-ускуналар ишлаб чиқармоқдалар.

Биз бешйилликнинг охирига бориб, йирик агрегатларни ишга тушириш, тармокларда ва ўз эҳтиёжларимиз учун сарфланадиган электр қувватини тежаш ҳисобига умумий миқдорда йилига 30 миллион тонна ёнилғини иктисод қилишни мўлжаллаб турибмиз. Жуда катта қувватга эга бўлган газ турбиналари ҳамда юксак фойдали иш коэффициенти берадиган буғ-газ қурилмаларини яратиш юзасидан ишлар давом эттирилади.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ

МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛМОҚДА

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА!

Қучоғига 27 мингдан ортиқроқ студентни олган Тошкент политехника институти мамлакатимиздаги энг йирик олий ўқув юртларидан биридир. Институт Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалиги учун 59 соҳа бўйича инженер кадрлар етказиб бераяпти.

Институт факультетлари орасида кимё-технология факультети ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу факультетни тамомлаган инженерлар кимё ва озиқ-овқат саноатининг турли соҳаларида ишлаб, давлат ва жамоат ишларида актив иштирок этмоқдалар. Факультетнинг кўп сонли профессор ва ўқитувчилари студентлар орасида таълим-тарбия ишлари олиб бориш билан бирга халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига доир турли проблемалари назарий ва амалий жиҳатдан ҳал этишда ҳам намуна бўлмоқдалар.

Кимё-технология факультети 1928—1929 йилларда Тошкент Давлат университети ҳузурида ташкил этилди. Факультет кўплаб инженер кадрлар етиштира бошлади. Биринчилар қаторида тамомлаб чиққан мутахассислардан бири Муҳаммад Иброҳимович Ниёзовдир. М. Ниёзов факультетда дастлаб декан, сўнгра 17 йил мобайнида институт ректори бўлиб ишлади. Ҳурматли профессоримиз ҳозир кимё-технология процессларн ва аппаратлари кафедрасининг мудиридир.

Кафедра ходимлари муҳим проблемалар устида илмий-тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Олимлар томонидан қайнама қатлам гидродинамикаси бўйича янги назариялар яратилди.

Ҳозирги кунда пахта чигитидан ўсимлик ёғини экстракцион усул билан олиш процессини интенсивлаш муҳим вазифадир. Бу масалани ҳал этишда ҳам кафедра ходимларининг ҳиссаси бор. Пульсацион тебранишларни қўлланиш билан ёғ олиш процессини 30—40 процентга тезлатиш мумкинлиги аниқланди. Кафедрада кашф этилган айрим янгиликлар Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилинди. Сўнгги йилларда олинган 7 авторлик гувоҳномаси бу ерда актив равишда қилинаётган ишлар натижасидир.

Анорганик моддалар технологияси кафедрасида профессор С. Ситов раҳбарлигида гўза баргини тўкиш (дефолиация қилиш) учун зарур препарат — кальций цианамиди олишнинг энг қулай усули ишлаб чиқилди. Янги усул билан тайёрланган препарат ҳозиргача ишлатилиб келинаётган воситалардан кўпгина хоссалари билан устунлик қилади. Навоий кимё комбинатида бу усул ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинмоқда. Кальций цианамидини ишлаб чиқарувчи корхона эса ҳар йили бир миллион сўмдан зиёдроқ фойда кўради.

Академик М. Набиев билан доцент Ф. Мирзаевлар раҳбарлигидаги бир группа олимларимизнинг юқори концентрацияли суюқ ва қаттиқ янги минерал ўғитлар олиш устидаги илмий тадқиқотлари ҳам яхши самаралар берди. Гумин кислотаси ёрдамида олинган органик-минерал ўғитлар билан СоюзНИХИ далаларида ўтказилган тажрибалар янги ўғит пахта ҳосилдорлигини 15—16 процентга оширишини кўрсатди. Кашфиёт учун маскур олимлар авторлик гувоҳномасини олишга муяссар бўлдилар.

Ёғлар технологияси кафедрасида старший ўқитувчи А. Мағдамов пахта соапстокини оҳак сути ёрдамида икки фракцияга (қаттиқ ва суюқ) ажратиш усулини ишлаб чиқди. Соапсток чигитдан олинган тозаланмаган ёғни рафинация (оқлаш) қилиш вақтида ҳосил бўладиган чиқинди ҳисобланади. У ҳозиргача асосан кир совуни олишда ажратилган суюқ фракцияни олиф, лак ва бўёқлар ҳосил қилишда, қаттиқ фракцияни эса совун олишда ишлатиш мумкин.

Бу усул Андижон ёғ-мой комбинатида амалда синаб кўрилди ва яхши натижаларга эришилди. Маълумки, лак, олиф ва бўёқлар олишда кўп миқдорда рафинацияланган ўсимлик ёғлари, жумладан пахта ёғи ишлатилади. Ҳозирги вақтда мутахассислар олдида техника мақсадларида ишлатилиб келинаётган озиқ-овқат ёғларини кимёвий усулда олиниган синтетик маҳсулотлар билан алмаштириш вазифаси турибди. Бу борада олим А. Мағдамовнинг илмий-тадқиқоти катта аҳамиятга эга. 100 тонна пахта ёғининг ўрнига соапсток суюқ фракциясини ишлатилганда 40 минг сўмдан ортиқ жамғарма вужудга келади. Агар Тошкент лак-бўёқ заводида пахта ёғини соапстокининг суюқ фракцияси билан алмаштирилса, йилига 500 минг сўмга яқин тежам юзага чиқади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари кафедраси ҳам қатор тадқиқотларга қўл урган. Фермент препаратлари ёрдамида қизил узумни узлуксиз қайта ишлаш усули ишлаб чиқишда кафедра олимлари кўп меҳнат сарф қилдилар. Янги усул қизил узумни қайта ишлаш процессини тезлатишга, вино маҳсулотлари чиқишини 3—5 процентга кўпайтиришга, винолар сифатини яхшилашга олиб келади. Прогрессив усулни Ўзбекистон вино заводларига жорий қилиш йилига 300 минг сўм жамғарма келтиради.

Доцент Т. Абдурашидов раҳбарлигида қоғоз саноати қолдиғини смолалар билан ишлаш натижасида янги пластик материал олиш мумкинлиги исботланди. Тадқиқот учун пластмассаларни қайта ишлаш технологияси кафедранинг бир группа ходимлари Д. И. Менделеев номли Бутуниттифоқ кимё жамиятининг пул мукофотини олишга сазовор бўлишди.

Кимё саноати ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш кафедрасининг ташкил этилганига уч йил бўлди. Уни ёшлар кафедраси деб аташади. Кафедра ходимлари ишлаб чиқариш процесслари учун янги типдаги зичлик, ёпишқоқлик, намлик ва бошқа физик-кимёвий параметрларни аниқлаш учун ўлчагичларни ихтиро этиш билан бевосита шуғулланмоқда. Ишлаб чиқаришни узлуксиз текшириб туриш ва уни автоматлаштириш каби муҳим масалалар ҳам асосий тадқиқотлардан бири бўлиб қолди. Кафедра қисқа муддат ичида 8 та авторлик гувоҳномасини олди.

Кимё процессларининг кинетикасини ўрганиш, ионитлардан катализаторлар сифатида фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар физик-кимё кафедраси томонидан олиб борилади. Органик кимё кафедраси профессор А. Қўчқоров раҳбарлигида ароматик бирикмаларни аниқлаш ва синтетик смолалар яратиш билан шуғулланмоқда.

Полимерлар проблемаси лабораториясида катта тажриба ўчогига айланиб қолган. Профессор Н. Ризаев раҳбарлигида илмий ходимлар маҳаллий хом ашёлардан ионитлар олиш ва уларни халқ хўжалигига тадбиқ этиш каби муҳим вазифаларни ҳал қилишда қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Тугалланган илмий ишлар натижалари халқ хўжалигига топширилди. Масалан, вино, сут ва лимон кислоталарини ионитлар ёрдамида олиш усули йилига 500 минг сўм, фурфурол асосида янги смола олиш эса йилига 200 минг сўм фойда бермоқда.

Лабораторияда яратилган янгиликлар Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилинмоқда. Илмий ходимларнинг бир группаси олтин ва кумуш медаллари олишга сазовор бўлди.

Биз бу ерда факультет олимларининг айрим тадқиқотлари тўғрисида тўхталдик. Ҳозир жуда кўп темаларга қўл урилганки, улар ҳам халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Факультет коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигини студентларга мустаҳкам билим бериш ва илмий-тадқиқот ишларини активлаштиришга ҳолда кутиб олишга қатъий бел боғлаган.

З. САЛИМОВ,
Қ. АҲМЕРОВ,
Тошкент политехника институти кимё-технология факультетининг катта ўқитувчилари.

КИТОБХОНЛАРГА СОВҒА

Куни-кеча қибрайлик китобхонлар ажойиб совға олишди. Турли бадиий адабиётлар ва ўқув қуроллари билан савдо қиладиган янги магазин харидорларга хизмат кўрсата бошлади. Магазиннинг ишга туширилишидан айниқса мактаб ўқувчилари бехад хурсандлар.

Райондаги «Правда» колхозининг бригада бошлиғи, уста пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўхта Абдуллаева магазин эшигидаги қизил лентани қирқади. Харидорлар ичкарига киришади. Савдо бошланади. 14-мактабнинг бир группа ўқувчилари харид қилишга киришадилар. Улар ўзларига керакли дарсликлар, папка, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари сотиб олишади.

Магазин бир неча бўлимдан иборат. Бадиий адабиёт, қишлоқ хўжалиги, саноат, фан ва дин, медицина ва бошқа бўлимларда истаган китобларингизни топа оласиз.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

Суратда: янги китоб магазинида савдо пайти.

А. Абалян фотоси.

ЯШНАЁТГАН ҚИШЛОҚ

Шу кунларда Қўшқўрғон қишлоғи томон сайр қилиб чиқар экансиз, бу ердаги янгиликларни, ўзгаришларни кўриб хурсанд бўласиз. Яшнаган боғроғлар, ҳашаматли турар-жой ва жамоат бинолари худди шаҳар қиёфасини эслатади.

Сўнгги ойлар ичида Чирчиқ шаҳри билан Қўшқўрғон қишлоғи орасида 26 километр катта йўл барпо этилиб асфальт ётқизилди. Эндиликда бу йўлдан автобуслар қатнаб йўловчиларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тўртта магазиндан истаган вақтингизда саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини топа оласиз. Ошхона, иккита қизил чойхона қишлоқ аҳолисига намунали хизмат қилмоқда. Ўтган йили ҳаммом қурилиб ишга туширилган эди. Бу йил эса Ғазалкент шаҳар Совети томонидан аҳолига машиий хизмат кўрсатиш уйи қуриб берилди.

Ҳаммадан ҳам қувонарлиги шундаки, қишлоқда хонадонларни «зангори олов» билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирнинг ўзида 50—60 процент хонадон газлаштириб бўлинди. Медицина хизмати кўрсатиш ҳам жуда яхши йўлга қўйилди. 35 койкали касалхона, туғруқхона ва тиш даволаш кабинети, шунингдек дорихона ишлаб турибди. Бу ерда 20 дан ортиқ врач ва медицина ҳамшираларн аҳолига кўнгилдагидек хизмат қилишмоқда. Яқинда касалхона «тез ёрдам» енгил машинаси билан таъминланди.

Қишлоқ участкаларида ташкил этилган бешта медпункт чорвадорларга, узоқ яйловлардаги чўпонларга яхши хизмат қилиб турибди. Медицина ходимларидан Ўктам Ғафуров, Саидамин Аъзамов, Патти Тоҳирова, Акром Ўмаров, Ҳажал Мирзажоновалар беморларни даволашда, аҳоли ўртасида тиббий ёрдамга онд қизиқарли темаларда суҳбатлар ўтказишда ўз ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.

Яқинда қишлоқ марказида янги китоб магазини очилди. Бу ерда бадиий ва сиёсий адабиётлар бор. Мактаб ўқувчиларининг дарсликлари, ўқув қуроллари билан таъминланган. Қишлоқ аҳолиси унумли меҳнатдан кейин катта ҳашаматли клубга йиғилишиб, маданий дам олишади, ўз ҳордиқларини ёзишади. Бу ерда тез-тез кинофильмлар, концертлар қўйиб турилади.

Ҳа, шундай. Қўшқўрғон қишлоғи йилдан йилга жамол очмоқда. Шаҳар тусига кириб бормоқда.

Т. РЎЗИМАТОВ.



Халқаро аҳвол

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ХАНОЙ, 25 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг Куангчи вилоятида ҳаракат қилаётган жангчилари яқинда 9-йўл районида Америка денгиз пиёда қўшинлари бўлинмасига ҳужум қилдилар.

Вьетнам информация агентлиги Озодлик агентлиги берган маълумотига асосланиб хабар беради: ватанпарварлар душманнинг юз солдатини сафдан чиқарганлар, ўн бир жанговар машинани, шу жумладан олти танкни яксон қилганлар ва шикастлантирганлар, кўп миқдорда ҳарбий аслоҳа-анжомни қўлга туширганлар.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ БЎЙИЧА 18 ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

ЖЕНЕВА. Қуролсизланиш бўйича 18 давлат комитетидаги СССР делегацияси бугун Совет Иттифоқи номидан ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида тузилган шартнома лойиҳасини комитетга тақдим этди.

Мазкур лойиҳа қоидаларига мувофиқ, ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг ядро қуроли ёки бошқа хил ядро портловчи қурилмаларини хоҳ бевосита, хоҳ билвосита бошқа бирон давлатга беришдари тақиқланади. Ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг ядро қуроли ва бошқа ядро портловчи қурилмалари устидан контрол қилиш ҳуқуқини ҳам бирон бошқа давлатга беришлари тақиқланади.

Шунингдек ядро қуролига эга бўлмаган мамлакатларга ядро қуроли ёки бошқа хил ядро портловчи қурилмалари ишлаб чиқариш ёки уларни ўзга давлатдан сотиб олишдан, шунингдек бундай қурол ёки ядро портловчи қурилмаларини қимдан бўлмасин қабул қилишдан воз кечиш мажбуриятларини олиш таклиф этилади.

Қўшма штатлар делегацияси ҳам шунга ўхшаш шартнома лойиҳасини киритди. (ТАСС).

СУРИЯ — ИРОҚ ҲАМКОРЛИГИ

ДАМАШҚ. Сурия билан Ироқ ўртасида бўлиб ўтган иқтисодий музокаралар тўғрисида Сурия—Ироқ қўшма ахбороти эълон қилинди.

Томонлар, дейилади ахборотда, ҳар иккала мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқни кенгайтириш, паспорт режимини ҳал қилиш, иқтисодий муассасалар вакиллари ва томожня ходимларининг кенгашини чақириш, координацион комитет тузиш, экономикани планлаштириш масалаларини келишиб олиш тўғрисида бир битимга келдилар. (ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

БРАЗЗАВИЛЬ. Африка халқлари бирлиги дўстлик совет уюшмасининг делегацияси бу ердан ватанига жўнаб кетди. Делегация аъзолари халқлар ўртасида дўстлик Конго уюшмасининг таклифига биноан Браззавилда меҳмон бўлиб турибди.

ХАРБИЙ СУДНИНГ ҲУКМИ

АФИНА, 25 август. (ТАСС). Бугун бу ерда қаршилик кўрсатиш ҳаракати группасининг 34 аъзоси устидан бошланган суд мажлиси тугади. Афина ҳарбий трибунали группа раҳбарларини — Афина радиосининг собиқ директори Пепонисни, парламент депутати Кацикопулосни ва ҳозирги вақтда тарқатиб юборилган «марказ иттифоқи» партияси арбобларидан Ливанис ва Веривакисни тўққиз йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилди ва уларнинг ҳар бирига 100.000 драхма миқдорида штраф солди. Тўрт киши беш йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди ва катта миқдорда штраф тўлайдиган бўлди. Саккиз киши уч йилдан бир йилгача муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди. 18 киши шартли суратда ҳукм қилинди ёки оқланди.

КОНГОДАГИ АҲВОЛ

БРАЗЗАВИЛЬ, 24 август. (ТАСС). Раунда Республикаси Букавуда Конго миллий армияси отрядлари томонидан қамал қилиб олинган оқ танли ёлланма шайкаларга Конгодан (Киншаса) ўзининг чегараси орқали ўтишга рухсат бермади. Киншасадан олинган хабарларга кўра, Руанда президенти Грегуар Кайбанда Кигалида Конго Ташқи ишлар министри Жюстен Бомбоко билан бўлган учрашув вақтида ана шу ҳақда маълум қилган.

Бельгиялик майор Шрамм қўмондонлигидаги оқ танли наёмхесарлар Конгодан Руанданинг Кабемьедаги аэродроми орқали учиб кетишни мўлжаллаган эдилар.

Бироқ президент Кайбанда бу аэродромни Букаву районига ҳарбий мадад юбориш учун Конго армияси ихтиёрига беришни таклиф қилди.

Ўтган ҳафта Конгонинг шарқдаги иккинчи қўшиниси — Бурунди давлати ҳам ёлланма шайкаларга Конгодан қочиб кетиш ва Конго халқига қарши жиноятлар учун жавобгарликдан шу йўл билан қутилиш имкониятини беришдан бош тортди.

Шунга қарамай, ҳар томонлама синув остида қолган ёлланма шайкалар Конго ҳукуматига қаршилик кўрсатишни тўхтатиш учун янги шартлар қўйди. Шрамм барча ёлланмаларга озодлик таъминланишини ва уларнинг мамлакатдан чиқиб кетишига тўсиқлик қилинмаслигини гарантиялашни Киншасага ультиматум тариқасида таклиф қилди. У амнистия тўғрисидаги гарантиянинг ёзма шаклида берилишини ва ана шу гарантиянинг президент Мобуту номидан ташқи ишлар министри Бомбоко томонидан имзоланишини талаб қилди.


Киншаса радиоси ана шу сурбетларча таклифларга жавобан кеча, генерал Мобуту ҳукуматн барча шайкалар дарҳол таслим бўлишини талаб қилади, деди.

ТРАНСАРКТИКА РЕЙСИ ТУГАДИ

ТОКИО, 25 август. (ТАСС). Бугун совет «Нововоронеж» юк теплоходи Иокогама портига келди. У Мурманскдан чиқиб, Шимолий денгиз йўли орқали Японияга сузиб келди. Япония кема қатнови компаниялари шимолий совет портидан Японияга трансарктика йўли орқали биринчи марта сафар қилган совет кемасига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Кема қатнови компанияларидан совет элчихонасига келаётган илтимосномаларда кемага чиқиб, унинг экипажи ва жуда катта денгиз йўлидан сузиш шарт-шароитлари билан танишини сўралмоқда.

БЕЛГРАДДА янги телестудия ишга туширилди. У ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Суратда: телестудия биносининг кўриниши.

ТАНЮГ—ТАСС фотоси.



НУР ҚЎЙИНИДА

Нововоронеж ва Белоярск атом электростанцияларининг иккинчи навбатини қуриш давом этади.

Совет Иттифоқи шу билан бир қаторда чет элларда ҳам атом электр станцияларини қуришда зарур илмий-техник ёрдам кўрсатади.

Беш йилликда ҳаммаси бўлиб 64—66 миллион киловатт ҳажмда янги қувватлар ишга туширилади. **Бу, 100 та Днепр ГЭСи ёки Совет ҳокимиятининг дастлабки 43 йилида мамлакатда ишга туширилган қувватга тенг. Электр қуввати ҳосил қилиш 830 миллиард киловатт-соатга қадар ортади.**

Сибирдаги Енисей дарёсида қувватини узатиб берувчи линияларни кўпроқ қуриш кўзда тутилмоқда. Бу ерда Братск, Красноярск ва Саян ГЭСларидан фойдаланишдан ташқари Итатск кўмир кони ҳисобига ишлайдиган гигант иссиқлик электрстанциялари қурилиши мўлжалланмоқда.

Сибирь ва бошқа жойларда катта узунликда юқори кучланишли электр магистраллари қурилиши билан Совет Иттифоқининг ягона энергетика системаси тўла ташкил топади.

...1913 йили Самара ва Ставрополь епископи граф Орлов-Давидовга шундай маълумот йўллаган эди:

«Ҳазрати олийлари, Худо Сизга ёр бўлсин, менинг ушбу маълумотимни инобатга олмогингизни илтимос қиламан: Сизга ота-бобонгиздан мерос бўлиб ўтган ерларда Самара техника жамиятининг бир гуруҳ ҳомхаёллари ҳудосиз инженер Кржижановский билан биргаликда тўғон ва катта электр станция қуришни лойиҳалаштирмоқдалар.

Шафқат айлаб, Жигулига келишингизни ва бу ерларда бош кўтарган фитнани янчиб юборишингизни ўтинаман».

Граф қўзи ўрганиб қолган Волга манзарасининг бузилишини истамас эди, лекин шу билан бирга саводсиз рус мужикларининг Жигулида гидроэлектростанция қура олишларига ишонмасди. Совет кишилари эса бу улуғ ишнинг уддасидан чиқдилар!

Янги бешйилликда Саратовдаги иншоот қуриб битказилади ва Чебоксари ГЭСи қурилишига киришилади. Яқин келажакда Волга-Кама ГЭСлари каскади қурилиши ниҳоясига етказилади. Шунингдек, йирик гидроаккумуляторли электр станцияга эга бўлган Киев гидроузели ва Каневский ГЭСи—Днепр каскадининг сўнгги боскичлари қуриб битказилади. Ингур, Чиркей ва бошқа ГЭСлар қурилиши кенг авж олдириб юборилди.

СССРнинг Европа қисмида гидроэлектростанциялар қурилиши энергетика, сув транспорти, ерларни суғориш, шаҳарлар ва саноат корхоналарини сув билан таъминлаш масалаларини ҳал этишдан ташқари узоқдан олиб келинадиган миллионлаб тонна ёнилғини тежашга имкон беради.

Таъкидлаб ўтиш зарурки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш учун бизда қурилган сув омборларидан хали етарли даражада фойдаланилмаяпти. Янги қуриладиган гидроэлектростанциялар курғоқчилик бўладиган районларда, лойиҳада кўзда тутилишича, 9 миллиондан ортиқ гектар ерни суғориш ва қариб икки баравар кўп ерни сув билан таъминлашга имкон туғдиради.

Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларида энергетика иншоотлари қурилиши кенг кўламда олиб борилади. Вахшда Норак, Нурекда Тўхтагул Чирчикда Чорвоқ ГЭСлари қурилмоқда. Фақат Тўхтагул гидроузелининг ўзи ҳозирга қадар ўзлаштирилган 1.2 миллион гектар ерни бемалол суғоришга етади ҳамда қўшимча 480 минг гектар ерни ўзлаштиришга имконият яратиб беради.

...Партия XXIII съезди Директивларида қишлоқ районларини марказлашган электр қуввати манбаларидан электрлаштириш кўзда тутилган. Қишлоқларда юқори вольтли ва паст вольтли электр узатиш линияларининг узунлиги ҳозир 2 миллион километрдан ортиқдир. Беш йиллик мобайнида 35 киловольт ва ундан ортиқ кучланишли электр тармоқлари узунлиги тахминан бир ярим баравар қишлоқлардаги таксимлаш электр тармоқлари эса икки баравар ортади. Мамлакатдаги барча қишлоқ хўжалик районлари асосан давлат энергетика системасига уланади.

Электростанциялар қуриш, янги уйлар ва мактабларга, янги шаҳарлар ва ишчи посёлкаларига, совхозлар ва колхозларга нур олиб кириш, радио ва телевидение орқали кишиларни бутун мамлакатнинг қайноқ ҳаёти, маданиятидан баҳраманд этиш катта бахт эмасми!

Барча совет кишилари қатори энергетиклар ва қурувчилар ҳам Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тараддуд кўрмоқдалар. Коллективларда социалистик мусобақа авж олмоқда. Юбилей йилида энергетиклар 10 миллион киловатт қувватни ишга туширишлари ва деярли 600 миллиард киловатт-соат электр қувватини ҳосил қилишлари, 28 минг километр узунликда 35 минг вольт ва ундан ортиқ кучланишли электр узатиш линиялари ва қишлоқ хўжалигини электрлаштириш учун 256 минг километр электр тармоқлари қуришлари зарур.

Назаров ГРЭСида 500 минг киловатт ва Славян ГРЭСида 800 минг киловатт қувватли турбогенераторлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тақдима тариқасида ишлатиб кўрилади. Юбилейгача қурувчилар Красноярск ГЭСида ҳар бири 500 минг киловатт қувватли иккита гидроагрегатни муддатидан олдин ишга туширишга қарор қилдилар. 7 ноябргача Волганинг Саратов ГЭСи қурилаётган қисми тўсилади. Бу станциянинг дастлабки икки агрегати юбилей йилидаёқ саноат токи бера бошлайди. Яна икки гидроагрегатни монтажлаш тугалланади.

Энергетиклар ва қурувчилар КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширш ва Совет Иттифоқини ёппасига электрлаштириш ҳақидаги Ленин ғояларини рўёбга чиқариш иштиёқи билан тўлиб тошганлар.

П. МЕЛЬНИКОВ.


50 ЙИЛЛИГИГА

С Е В С А, С Е В

Илк сирдошинг бўлиб кўкда фусункор ҳилол,
Дўстим, тунлар ёниб бедор сурасан ҳаёл.
Ишқинг асраб уни минг бор ўрайсан гулга,
Субҳидамлар жўр бўласан ошиқ булбулга.
Мен ҳамон жондан эшитаман қалбинг торини,
Қалбинг тори — рубобнинг мунгли зорини.
Висол чоғин соғинасан, эриб куйлайсан,
Дилинг тўрин дўстим кимга бериб куйлайсан.
Айт-чи, у ҳам худди сендай ахдида борми,
Севгисига садоқатли, вафодор ёрми?
О, кўксинга бирон марта бошингни қўйиб,
Тингладингми юрагини васлига тўйиб.
Ақлинг олган сарвқомат, гулрў қаламқош,
Эмасмикин стамкор-у, андуҳ, багри тош.

Чашма каби жўшиб турган меҳри бормикин.
Ширин каби тийран-тийран фикри бормикин?
Ишқ ёлқини порлаб турса шахло кўзида
Қалбакилик акс этмаса айтган сўзида.
О, юраги сенинг каби ёниб севса, сев.
Висол жомин шарбатига қониб севса, сев.
Баъзан дўстим, тушиб қолар орага ҳижрон.
Дуч ҳам келар билиб бўлмас бирор огир он.
Шунда йўлинг кутиб қалби зор-зор кутса сев,
Мадад берса ва илгингдан маҳкам тутса сев.
Майли шунда ишқинг асраб гулга ўрагин,
Майли жўшиб торингни черт, висол сўрагин...

Усмон ЖОНГИТОВ.



ПОЙТАХТИМИЗ ЖАМОЛИ. Шаҳримизнинг обод ва кўркам жойларидан бири—Навоий кўчаси. Х. Ҳайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ).

МОВИЙ КУЛЛАРИМ

(ТУРКУМДАН)

МЕН ШЕЪР ЎҚИРДИМ...

Денгиз шовулларди.
Мен шеър ўқирдим.
Иккимиз куй куйлаб кўнгил
ёздик,
Кўнглимда заррача армон йўқ,
дердим...
Кўнгилда бир гулдан ўн гул
ясардик.
Ўн гул ясар эдик,
Қучоқ тўла куй,
Куйдан дилларимиз жўшарди.
Тўй эди,
Биз учун худди тўй!
Қуёш хизматига ўхшарди!
Куйдан бўлак
ҳеч нарса йўқдай.
Қуйдан ҳаётимиз лиммо-лим.
Денгиз ҳам қўшиққа тўлиқдай,
Куй билан боғлиқдай меннигда
йўлим!

Қуёш нур тўшади денгизга
энсиз,
Қуёш сувга ботди.
Атрофдан булутдай ўраб келди
кеч,
Қирғоқда одамлар сайли ҳам
сийрак.
Денгиздан силжимас
чағалайлар ҳеч,
«Чиғ-чиғ»лаб пойлашар тун
бўйи сергак.
Совуқдан жунжикар,
Хурпаяр пати.
Саёз жойда терилади ғуж.
Шунчалар денгизга зўр
муҳаббати,
Ўзи-ку бор-йўғи нозик қуш!
Шундай ўтди кунлар.
Шеърим баҳона
Денгиз қирғоғида
денгиз кўрмайман.
Шеър дарди...
Тунларим ўтади уйғоқ...
Денгиз пойламайман, гўё
жажжи қуш.
Денгиз мендан аввал яшаган
шундоқ,
Мендан сўнг шу зайил
ураберар жўш...

САЙЕР.

ЯНА ДЕНГИЗ...

Яна чиқолмадим,
Яна денгиз
Менсиз тўлқин уриб,
Пишқириб ётди.

РАССОМ ТАБАССУМИ



Боланинг усти-боши бўлди сиёҳ,
Бу ҳолдан онаси бўлди огоҳ.
Ювиб-тараш ўрнига у топди
йўлни,
Химчисткага судраб қолди
боногоҳ.



Пиво билан сотиш керак эди сув
Нўқ, пивони нуқул ўзин қилди
сув
Халойиқ дер баднафсни қоралаб
Инсофсизни бу ўриндан дарҳол
қув.



Иш юришса ўзини у хон тутар,
Гар шикоят тушса бил, пиниҳон
тутар.
Қалбакилик қилиғингни қўй,
йиғиштир,
Бўлмаса бир кун сени тергов
кутар.

А. Холиқов чизган расмлар.

ҲИНД МАҚОЛЛАРИ

Оёқ-қўлни боғлаш мумкин-у,
Ақлни боғлаб бўлмайди!

Оз билганнинг шубҳаси кўп
бўлади.

Оловдан, касалдан, қарздан,
Имкони бўлса, из қолдирма.

Орзу қилган ерингга
Ахир йўлинг тушади.

Сирни сукут сақлайди.

Сув қуйига қараб оқади.

Сувнинг қадрини сувсаган
билади.

Уйида бир пули йўқ,
Белида бир боғлам калит.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.
таржимаси.

ҲАЙВОНОТ БОҒИНИНГ ЯНГИ МЕҲМОНЛАРИ

Тошкент ҳайвонот боғи жониворлар дунёсининг хилма-хиллиги жиҳатидан Ўрта Осиёда биринчи ўринда туради. Бу ерда сақланаётган турли қушлар, йиртқич ҳайвонлар, заҳарли ва бўғма илонлар, сут эмизувчилар сафига янгилари келиб қўшилди. Шулардан бири катта фил тошбақасидир Бу тошбақанинг оғирлиги 80 килограмм, узунлиги 75—80 сантиметр келади. Томошабинларга биринчи марта кўрсатилаётган бўғма чипор илон (питон)нинг узунлиги 5 метр бўлиб, оғирлиги 50—60 килограмм келади. Ҳайвонот боғимиз Шимпанзе ва Макака зотли маймунлар билан бойиди, Кенгура киртқич ҳайвонлардан Себил, Расамахалар ҳам ҳайвонот боғимиз рўйхатидан ўтишди. Тилла қирғовул товуғи ҳаммага манзур бўляпти. Бу хил товуқлар Австралия ва Янги Гвинеяда яшайди. Яқин кунларда Ҳанда номли аждаҳо қуш, зебра ҳам келтириладн. Бу билан ҳайвонот боғимизнинг кўргазма экспонатлари янада кўпаяди.

Н. ОДИЛОВА,
Тошкент ҳайвонот боғининг бўлим мудири.

АКАНГ БИЛАДИ

[Комил ота «бетоб», ўғли Наҳим иккита косада шўрва кўтариб киради].

НАЖИМ—Отажон, келинингиз хўроз шўрва қилган экан, сермурч, шундан бир ичинг.

ОТА—Хўроз шўрванг менга тўғри келмайди, ёвғон хўрди тузук.

НАЖИМ—Бир-икки хўпланг, ёвғон хўрди ичингиз келаётган бўлса ҳозир тайёрлатиб бераман.

ОТА—Ҳозир эмас кечрок. **[Отанинг кичик ўғли Ҳабиб киради. Унинг қўлида қоғозга ўралган буюм].**

ҲАБИБ—Ассаломалайкум. Ҳа, баҳай ота.

ОТА—Вaалайкумассалом **[ётган ерида ўғли билан сўрашади].** Эсон-омон келдингми, ўн кунга деган эдинг, командировканг чўзилиб кетди.

ҲАБИБ—Ҳа бироз чўзилди. Нима қилди, яна бел оғриғингиз тутиб қолдими?

ОТА—Бел оғриғи қурсин.

НАЖИМ—Беллари оғриб учтўрт кундан бери кўрпа-ёстиқ қилиб ётибдилар.

ҲАБИБ—Отамнинг касаллари боддан **[тугунни очади].** Мана сизга айиқ терисидан пўстин тикгириб келдим.

ОТА—Барака топ.

ҲАБИБ—Сизни Семашкога ётқизсак, тажрибакор врачлар кўриб даволаса...

ОТА — Семашкангда нима қиламан, мени касалим диққатликдан. Ойинг раҳматликни қазо қилганигаям бир йилдан ошди. Парваришимни мазаси йўқ.

ҲАБИБ—Келинларингиз тузук қарашмаяптими?

ОТА— Қарашади-ку! Қарашгани бор бўлсин, онангдай бўладими. Етарим бор, тўрарим бор.

НАЖИМ—Отамларни уйлантириб қўйсак қалай бўларкин Ҳабибжон?

ОТА—**[Ўзини ўнгланди].** Ўтириб гаплашингларр, болаларим, ўтиринглар.

ҲАБИБ—**[Ўйланиб]** Қалай бўларкин—а?

НАЖИМ—Менимча яхши бўлади.

ҲАБИБ—Ҳа бироз чўзилди. Нима қилди, яна бел оғриғингиз тутиб қолдими?

ОТА—Сиз бор, мен бор, келинлар бор, отамга уйланиш ҳожатмикин-а?

ОТА **[Ўшқириб]** Сен нимани биласан, тентак. Аканг билади, ол пўстинингни!

ҲАБИБ—Узр ота, узр.

Ж. АСОМИДДИНОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — Эшиттиришлар программаси. 11.00 — Ойтабрятлар — қувноқ болалар. 11.30 — Уқувчилар Х Бутуниттифоқ юбилей спартакиадасининг очилиш паради. 12.00 — Шардағи қизча (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 13.05 — Хайр, боғчажон! 13.25 — Спорт. 14.00 — Бадиий фильм. 16.55 — Эшиттиришлар программаси. 17.00 — Кинофильм (болалар учун). 17.20 — Телеянгиликлар. 17.35 — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. Ульяновлар Киевда. 17.55 — Муштум журнали сақифаларида.

Рус тилида: 18.35 — Телеянгиликлар. 18.50 — Канада—Июль—1967. 19.05 — Опа (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.45 — Бугун — Шахтёрлар куни. 21.50 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи («Ёшлик» студияси кўрсатади).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 — Будильник. 13.30 — Гимнастика. 14.00 — Интерведение. Болалар санъати фестивали. Волгоград шаҳридан олиб кўрсатилади. 14.30 — «Ленинград табассум». «Петродворец». Ленинград кўрсатади. 15.10 — Братислава шаҳридан эшиттириш олиб кўрсатилади. 15.55 — Новости дня киножурнали. 16.05 — Февралдан Октябргача. Ленинград кўрсатади. 16.20 — Москвада Эстония ССР ҳафталиги. Халқ хўжалиги. ВДНХ дан олиб кўрсатилади. 17.20 — Москва кундузги эшиттиришларининг охири. 17.50 — Театр усталари билан учрашув. 18.30 — Телевизион янгиликлар. 18.50 — Мусиқали маяк. 19.20 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 — Бизнинг Донбасс (шахтёрлар кунига бағишланади). 20.00 — Огонёк. Кончилар кунига бағишлаб Донецк шаҳридан олиб кўрсатилади. 21.10 — Бадиий фильм. 22.35 — Ярим аср йилномаси. 1924 йил (телевизион ҳужжатли фильм). 23.30 — Телеянгиликлар. 24.00 — Телевизион миниатюралар театри. Кечки салом.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/VIII да Гули сиёҳ, 28/VIII да Тошболта ошиқ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Еввойи асал — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11.40 кундуз 4, кеч 8.20 ва 10 да).

Византиялик савдогар хазинаси — «ДРУЖБА». СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун). «ҚОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 8 ярим ва 10 да).

Симладаги муҳаббат (2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ганга ва Жамна — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1.20 ва 5.40 минутда).

Яна барҳаёт — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, 6 да).

Ҳаёт яхши нарса, биродар! — «ВОСТОК» (кундуз кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Византиялик савдогар хазинаси — «ХИВА».

Чўнқа боғар қиз ва чўпон — «РАКЕТА».

Ганга ва Жамна — НАВОИЙ номли.

Яна барҳаёт — ТЕЛЬМАН номли.

ҚАДИМИЙ ТЎП ТОПИЛДИ

Тошкентдаги Ленин номли майдонни тартибга солаётган экскаватор ковши талати бир нарсани кўтарди. Бир ярим метрлик тупроқ остидан тўп чиқди. Узунлиги икки ярим метр келадиган бу тўп оғир, қадимий эди.

ЎзТАГ мухбири Ўзбекистон халқлари тарихи музейига консультация учун мурожаат қилди. 24 августда олимларнинг қадимий давр меҳмони билан учрашуви бўлди. Топилма чиқан жойга (у бир вақтлар республика фанлар академияси жойлашган бино ёнида эди) тарих фанлари кандидати В. И. Спрашевский борди. У дастлабки таассуротлари билан ўртоқлашди:

— Бинокорлар топган тўп, шубҳасиз, фан учун катта қизиқиш туғдиради. Лекин тўп стволининг бир қисмини тозалаш мумкин бўлди. Унда қадимий Ўрта Осиё орнаменти кўринди. Эҳтимол, бу маҳаллий қуювчиларнинг маҳсулоти, тўғрироғи Кўқон қурол-аслаҳа усталарининг иши бўлиши керак. Тўп чўяндан қуйилган. Бу қалъа қуроли. У тахминан XVII—XVIII асрларда тайёрланган. Музейимизда бунга ўхшаш тўп йўқ эди. Келиб чиқадиган саволларга тўпни ўрганиб бўлгач, узил-кесил жавоб бериш мумкин. Бу тўпни биз яқин кунларда музейимизга қабул қиламиз.

Яна шуни қўшимча қилиш керакки, тўп билан ёнма-ён экскаватор ковши тош шарни ҳам «топди». У қадимий иншоотнинг безаги бўлса керак. Тахмин қилиш мумкинки, Тошкент марказидаги ер остида ўтган асрларнинг гувоҳи бўлган бошқа нарсалар ҳам яширинб ётган бўлиши керак. Шунинг учун республика пойтахтининг марказий майдонида реконструкция ишлари олиб борилаётган катта территорияда қурувчилар билан тарихчилар ва археологлар ёнма-ён турса яхши бўларди.

Е. ЕФИМОВ.
ЎзТАГ мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҚЎШИҚ ҲАФТАСИ ТУГАДИ

НУКУС, (Қорақалпоғистон АССР), 25 август. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистонда ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталиги тугади.

Ўзбекистон санъат усталари Ўрта Осиё—Марказ газ қувури қурувчилари, пахтакорлар, чўпонлар, темирйўлчилар, балиқчилар билан учрашдилар. Шу кунларда ўзбек ва қорақалпоқ ёзувчилари, шоирлари, рассомлари, композиторларининг ижодий учрашувлари ҳам бўлди. Ҳафталик зўр концерт билан тугади. Тошкентнинг энг яхши бадиий коллективлари автоном республика Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Ўзбек адабиёти ва санъати арбоблари Нукусдан Хоразмга йўл оладилар.

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

Мени мажлисда эгри қўл деб танқид қилдиларинг. Жумладан, болалар нонини туя қилади, деганингиз айниқса қаттиқ ботди. Чунки боғчада ҳам болалар ейди, уйда ҳам, ўзим оғзимга олмайман.

(Боғча завхозининг местком мажлисидаги сўзидан).

Муҳтарам редактор! Мени эснилик қурбони, домла чақириб ниқоҳ ўқитган деб газетангизда танқид қилувдингиз. Танқиддан тўғри хулоса чиқардим. Хотинимни уч талоқ қўйиб юбордим. Энди оқланаманми?

(Редакцияга келган жавоб хати)

Катта хотинимда қолган ўғлимга ўн саккиз йил алимент тўладим. Берган пулларим зое кетмади, ўғлим ўқиб, пировард заводга директор бўлди. Отасига алимент тўлаш ҳақида қонун бор деб эшитганман. Энди қариб қолдим, менга ундан алимент ундириб беришингизни сўрайман.

(Судга тушган ариза)

Ҳали ёшман, меҳнатда ўзимни кўрсатмоқчиман. Идорадаги ҳисоб-китоб ишларини ненсароқ кишилар ҳам қилаверишади. Мени товуқ фермасига юбора қолинг, жўтариб келаман.

(Колхоз раисига илтимоснома).

Ота-оналар! Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиб, заводда биринчи смена соат еттидан иш бошлашга кўчиши муносабати билан яслига болаларни аввалгидай соат 9 эмас, 8 да олиб келишингиз сўралади.

(Ясли эшигига осилган эълон).

ЎН УЧ ЁШЛИ КОМПОЗИТОР

Талантли болалар ҳақида кўп ёзишади. Улар ҳақидаги мақолаларни қизиқиб ўқишадн ҳам: чунки катталарнинг кўп йиллар мобайнида қўлга киритган билим ва уқувини бу болалар туғилган замоноқ эгаллагандек бўлиб туйиладн. Мен ҳам қобилиятн ҳозир катта одамларни таниг қолдираётган бир бола ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Лекин унинг тақдири оддий тақдирдан эмас...

Зограб бир ёшга тўлганда кўр бўлиб қоладн. Бу қандай бахтсизлик эканлиги ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Боланинг отаси — тбилисилик бўёқчи Арменак Паремузян ва онаси Офик иложи борича ўғлининг қўнглини кўтаришга ҳаракат қилишардн. Бола уч ёшга тўлганда унга оддий ўйинчоқлар — металлофон олиб беришди. Бу ўйинчоқ бирбиригa жуда яқин бўлган етти хил овозни берарди. Сира кутилмаган ҳолда бола ўйинчоқда яхши куйларни чалабошлади. Ҳамма ҳайрон қолди. Шундан сўнг боланинг ота-онаси янги совға — оғизда чалинадиган гармонча олиб беришди. Зограб унда ҳамма нарсани: арман халқ ашуласидан тортиб, Моцертнинг «Менуэт»игача чаларди.

Бир йил ўтгач бола роялда чалабошлади. Бу музика асбоби унга ёқарди, боланн роялдан ажрата олмасдилар.

«Зограбни музикага ўқитиш керак», — дейишарди унинг чалишини бир марта эшитиб қолган таниш-билишларининг ҳаммаси. Зограбни нота саводига ўргатиш учун Тамара Гегучадзе чақирилди.

Устоз шогирдга Брайль системаси бўйича тактма-такт янгиданянги асарларни ўргатдн. Кун сайин Зограб олдида музика олами сирлари очилабошлади. Ниҳоят бола ва педагог ҳаётида ҳаяжонли дамлар келди: Зограб ўзининг биринчи концертини берди. Биринчи чиқишн унга биринчи муваффақият келтирди. Сўнгра Листнинг «Учинчи рапсодияси», Гайдн ва Мендельсоннинг оркестр билан фортепиано учун ёзган «Концертлари» каби мураккаб асарларни ижро этди.

Тамара Гегучадзе ўғли кўрди. Шунда Зограб унинг учун «Алла» қўшиғини ёзиб берди. Композитор Паремузян ана шу тахлитда пайдо бўлди. Ҳозир у турли жанрлардаги қарийб юзта асарнинг авторидир.

Бирмунча вақт ўтгач Арменак ўғлини Ереванга олиб келди ва уни композиторлар союзига бошлаб кирди. Композитор Эдвард Мирзоян Зограбнинг биринчи тингловчиси бўлди. Бола Бахнинг «Прелюдия»сини, кейин Моцартнинг «Фантазия»сини чалиб берди. Сўнг Зограб ўз асарлари: «Рондо-каприччиозо», «Қувноқ болалар», «Кремль курантлари» «Булбул қўшиғи»ларини ижро этди ва ниҳоят оркестр билан фортепиано учун Концертни чалиб берди. Зограбнинг санъатини тингланган одамларнинг ҳаммаси каби Мирзоян ҳам ҳайратда қолди.

Яқинда 13 ёшли композитор Одессе шаҳридан қайтиб келди. Унга навбатдаги операция қилишган эди. Мутахассислар яқдил бўлиб боланинг кўзи кўради, деган фикрни билдиришмоқда.

Ҳозир Зограб Ереван консерваториясида ўқимоқда. Педагог Кетти Малхасян раҳбарлигида у Рахманиновнинг биринчи концертини тайёрламоқда.

Г. ЧИГИНЯН.
(АПН).



ҲАР КАСБНИНГ ЎЗ ГАШТИ БОР. Ҳалил сартарошлик касбига ёшлигидан ихлос қўйди, ўқиди, ўрганди. Мана ўн йилдирки у, халқимизга маиший хизмат қилиб келмоқда. Юнусхўжаев самарали хизматлари учун маъмурият томонидан кўп марта фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Москвада бўлиб ўтган сартарошлар конкурсида қатнашиб, муваффақият қозонди. У кўп йиллик меҳнат жараёнида ўнлаб шогирдлар етиштириб чиқарди. Сартарошлардан З. Рўзиев, И. Оллоёров, М. Жалоловлар устозларидан миннатдор бўлишмоқда. Бир неча йиллардан бери Юнусхўжаев пойтахтимиздги 3-сартарошхонанинг бўлимига бошчилик қилиб келмоқда. Бўлимда ишлаётган 27 йигит ва қиз аҳолига намунали хизмат қиляпти. Устоз ўз ҳамкасбларини сидқидилдан ишлашга даъват этмоқда.

Н. Тўраев фотоси.

МАҲАЛЛАДА САЙЛ



Суратда: комитет раиси С. Камолиддинов маҳалла активлари билан суҳбатлашмоқда.

Н. Аъзамов фотоси.

«Алвасти кўприк» деган номни кўп одам эшитган. Илгарилари бу кўприкдан ёш бола у ёқда турсин, катталар ҳам ўтишга қўрқишарди. Чунки, бу ер кимсасиз, қўрқинчли, пастқам жойлар эди.

Орадан йиллар ўтди. Пойтахтимизнинг Киров районидаги ўша кўримсиз жойлар ўрнида янги турар-жойлар қад кўтарабошлади, Кенг, равон асфальт кўчалар очилди. Илгариги Отчопар даласида янги «Отчопар» маҳалласи бунёдга келди.

Маҳаллада аҳоли сони кўпайиб боргани сари уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга, ободончилик ишларига ҳам эътибор кучайди. Бу хайрли ишга маҳалла комитетининг раиси Сайфиддин ака Камолиддинов бош-қош бўлди. Туробхўжа Норхўжаев, Жўра Аҳмедов, Ориф Ёқубов, Обид Умаров, Ғуломхўжа Маҳамадхўжаев каби маҳалла активлари ободончилик ишларига яқиндан ёрдам бердилар. Ота-оналар комитети, хотин-қизлар совети, ўртоқлик суди ҳамда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари комитети жамоатчилик асосида ўз ишларини кенг йўлга қўйди.

Ободонлаштириш ишлари комитети ташаббуси билан маҳалла кўчаларига асфальт ётқизилди. 352 метрдик ариқ қазилди. Икки минг тупга яқин турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда минг туп гул кўчати ўтқазилди. Ҳонадонлар водопровод суви билан таъминланди.

Ҳозир бу ерда озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, сабзавот дўконлари, модалар ателъеси, пойафзал ремонт киладиган устахона, почта, ёзги ва қишки кинотеатрлар маҳалла аҳолиси ихтиёрида. Маҳалла аҳолиси ўтган йили ўз клубига ҳам эга бўлди. Бу маданият ўчоғи жамоатчилик асосида қурилди.

«Отчопар» маҳалласида мактаса арзигулик яна кўп тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўлинган ишларга яқун ясаш ва навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш учун бугун маҳалла сайли ўтказилади. Улуг Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейига бағишланган бу сайлга қўшни «Бодомзор» маҳалласидан ҳам меҳмонлар таклиф этилади.

К. МУҲАМЕДОВ.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган Тунис терма командаси футболчилари Москвада Марказий армия спорт клуби коллективи билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Ўйин совет футболчилари фойдасига 2:1 ҳисобида тугади.

●

Мамлакат биринчилиги 24-турнининг сўнгги учрашуви бўлиб ўтди. Москва темир йўлчилари Минск динамочиларини қабул қилдилар. Ўйин 0:0 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

●

«Умид кубоги» учун курашаётган терма командалар мусобақалари давом этмоқда. Турнирда қатнашаётган Ўзбекистон ёш футболчилари муваффақиятсизликка учрадилар. Улар қирғизистонликларга 2:4 ҳисобида ютқаздилар.

●

Дания ва Исландия терма командаларининг ўртоқлик учрашувида футболда камдан-кам учрайдиган ҳисоб қайд қилинди. Данияликлар рақибларини 14:2 ҳисобида енгдилар. Лекин бу рекорд кўрсаткич эмас. 1908 йилда Лондонда бўлган олимпиада ўйинларида данияликлар Франция командасини 17:1 ҳисобида мағлубиятга учратган эдилар.

●

Англияда «Кип Смайлинг» деган футбол командаси бор. Унинг маъноси «Кулгидан қолма» демакдир. Бу команда ўз номини тўла оқлайди: унинг составида бир неча масхарабоз бор. Бу ҳол унинг рақибларини кўпинча қийин аҳволга солиб қўяди. Яқинда кулги усталари ўз рақибларини 9:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Шунда мағлуб бўлган команда ўйинчиси Блэквэлл мухбирларга қуйидагиларни айтди: «Дарвозабонимиз уч марта ичак узди кулгидан ўзини тўхтатолмай ерда ётди. Рақибларимиз ҳужумчилари эса бўш дарвозага тўпни бемалол киритавердилар. Умуман улар ўз масхарабозликлари билан бутун командамиз ўйинчиларини ишдан чиқардилар».

●

30 августда Лужникидаги В. И. Ленин номли стадионда Европа чемпионатининг навбатдаги саралаш мусобақаси бўлади. Совет Иттифоқи терма командаси Финляндия футболчиларини қабул қилади. Мамлакатимиз терма командаси составига қуйидаги ўйинчилар киритилган: дарвозабон — А. Кавазашвили, Ю. Пшеничников, Л. Яшин; ҳимоячилар — В. Аничкин, В. Афонин, М. Хурцилава. Г. Цховребов, А. Шестериев; ярим ҳимоячилар — А. Ленев, Г. Логофет, В. Маслов, И. Сабо; ҳужумчилар — А. Банишевский, А. Бишовец, А. Еськов, А. Малофеев, Э. Маркаров, Г. Нодия, Э. Стрельцов, К. Туаев, В. Хмельницкий, И. Численко.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02047.
Индекс 64970
А. 1732.